

# Вақтидир безамоқ умр дафтарин




## ФАЙЛАСУФ ОЛИМ

Тарихга назар солсак, бадиий ижодда мактаб яратган шоир ва адиблар ўз навбатида нафосат оламини инжа таҳлил қилган, ижод соҳибининг ўзига хослигини белгилай олган, шунингдек, бадиий маҳоратга эришиш сирларини кўрсатиб беролган адабиётшунос олим ҳам эканликларига гувоҳ бўламиз. Бунга мисоллар кўп. Навоий, Бобур, Ойбек, Уйғун, Ҳ. Олимжон, М. Шайхзода, А. Қаҳҳорлар ана шундай алломалар саналади. XX аср ўзбек шеъриятининг довруғини оламга ёйган, бу борада мактаб яратган Ғафур Ғулом ҳам адабиётшунос олим сифатида ўз замондошлари орасида ажралиб туради.

Унинг тадқиқотларини ҳисоблаганда юздан ошади. Бу тўрт фазилатга эгалиги билан алоҳида аҳамият касб қилади: тарихий ҳақиқат ўз ифодасини тўғри топганлиги; янги маълумот бера билганлиги ва янги фактларга бойлиги; фалсафий ва назарий жиҳатдан теранликка эгалиги; муаммоли масалага ойдинлик кирита олишлиги жиҳатидан ўзига хосдир.

Масалан, 1935 йилда ёзилган «Гулистон» журнали тўғрисидаги илмий мақоласини ўқиган киши бирданига учта янгилик олади. Яъни журналнинг тарихи билан танишади, дастлабки номи «Машъала» бўлганлигини билади ва унинг «Ер юзи» журналидан фарқини англайди.

Шу йили ёзилган яна бир мақоласида эса С. Айнийнинг «Қуллар», Ҳ. Шамснинг «Душман», «Ҳуқуқ», А. Қодирийнинг «Обид кетмон», А. Қаҳҳорнинг «Сароб», Шокир Сулаймоннинг «Бўрон олдида» романлари, К. Яшиннинг «Гулсара», «Номус ва муҳаббат» пьесалари, Умаржон Исмоилийнинг «Ҳоди билан Шоди», З. Фатхуллиннинг «Ғунчалар», Абдуҳамид Мажидийнинг «Отсиз» музикали драмалари ҳақида гап боради. «Тўғрисини айтганда, танқидчилигимиз жуда орқада қолмоқда. Бизнинг кўпгина шеърий тўпламларимиз, ҳатто янги чиққан йирик повесть, романларимиз танқидчилик эътиборидан четда қолмоқда», — деб ёзадики, муаллиф мазкур фикр бугунги адабий танқидчилик хусусида гапирилгандек шу соҳа одамларини сергаклантиради.

Ғафур Ғуломнинг адабиётшуносликка оид тадқиқотлари ичида 1939 йилда ёзилган «Фольклордан ўрганайлик» тадқиқоти алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки эртак, достонлар халқ ҳаёти, тажрибасидан туғилган донолик асосига қурилади.

«Уч оғайни ботирлар» эртагидан биламизки, Кенжа ботир икки акасига қараганда ақллироқ, Жаҳон статистикасининг маълумотига кўра, Моцартдан бошқа биринчи фарзанддан донишманд чиқмаган. Уларнинг деярли барчаси учинчи ёки тўртинчи фарзандлардир.

Буни бугунги тиббиёт ирсият билан боғлиқ, деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, XX аср табобатининг янгилик деб билган нарсасини халқимиз минг йиллар олдин ўз эртаги орқали айтиб қўйган. Мазкур фикрларимиздан шундай хулоса ясаш мумкинки, Ғафур Ғулом бекорга фольклордан ўрганайлик деб бонг урмаган. «Халқ ижодининг ажойиб хусусиятларидан яна бири шуки, миллий айирма бўлмаганидай, жуғрофий чегара ҳам йўқ», — деб ёзади Ғ. Ғулом. Бу фольклорга берилган жуда тўғри баҳодир.

Ғафур аканинг «Муқимий ва Муҳайи» тадқиқотида икки сиймо муносабатларида давр зиддиятлари очиб берилади, шеърият бобидаги истеъдодлари қайд қилинади ва ғазалларидаги лирик қаҳрамонлар беғараз, қалби пок, кечиримли, истеъдодга тан берувчи шахс эканлиги уқтирилади. Бу билан Муқимий шахси хусусидаги билимимизни бойитади, шунингдек, Муҳайи ҳақида бирмунча кенг маълумотга эга қилади.

Ғафур Ғуломнинг «Демократ шоир», «Атоий эмас, Отойи», «Икки Машраб», «Шарқнинг буюк шоири ва мурафаккири Абдураҳмон ибн Аҳмад Жомий» каби тадқиқотларида мумтоз адабиётнинг муҳим муаммолари ҳал қилиб берилган. Устоз ҳозирги замон ўзбек адабиёти масалалари хусусида ҳам қатор илмий мақолалар ёзган. «Поэтикамизни тобора такомиллаштирайлик» мақоласи шулар жумласидандир. Мазкур мақола ўзбек шеъриятида 40-йилларнинг бошида ижод қилган ёшлар асарларининг таҳлилига бағишланган.

«Собир Абдулланинг ижоди ҳақида» номли иши жиддий тадқиқотлар сирасига киради. Унда Собир Абдулла ҳақида кенг маълумот бериш билан бирга, шеърлари мавзу жиҳатидан таҳлил қилинади. Яъни, шеърий шакллардан фойдаланишдаги ютуқлари қайд қилиниши билан бирга унинг Муқимий, Фурқат асарларининг энг яхши анъаналарини давом эттираётганлиги уқтирилади. Бу жажжи тадқиқотнинг яна бир ўзига хослиги С. Абдулла шеърларидаги услубий хосликни адабиётшунос илғаб ололмаган жиҳатларини шоирона дид, кўз билан ҳис қила олишидадир.

Ғафур Ғуломнинг қатор тадқиқотлари рус, қардош ва жаҳон адабиёти ёзувчилари ижодига бағишланган. «Кураш ва дўстликнинг жасур куйчиси». «Атоқли ҳинд ёзувчиси Прем Чанднинг ҳаёти ва ижоди» каби ишлар бунга мисол бўла олади.

Адабиётшуносларимиз ҳамиша Ғафур Ғулом шеъриятидаги фалсафийлик ва тарихийликни таъкидлашади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ўйлаймизки, унинг шеъриятидаги бу фазилатнинг замини адабиётшунос олимлигидадир.

**Ҳакимжон КАРИМОВ.**

## ДЕҲҚОН АШРОФ АВЛОДИ

«Мен шу халқнинг шоириман! — дейди устоз санъаткор Ғафур Ғулом фахр билан. — Менинг ҳам кундалик ҳаётим респбуликамнинг ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Пахта ишини қанчалик кўкларга кўтариб мақтасам, бу энди қисман ўз-ўзимни ҳам мақташ бўлади. Агар ёзолганларим умумий ишимизнинг ривожига бир баҳя бўлса ҳам манфаат етказса, ўзимни бахтиёр санайман. Сизнинг шу шарафли меҳнатингиз, чинин айтганда, шу муқаддас заминнинг ҳам асл мазмунидир!».

Деҳқон ашроф авлодига мансублигидан ҳамиша ифтихор қилиб келган шоир қишлоқ меҳнат аҳлини дилдан эҳтиром этар, уларни астойдил улуғлар эди. Пахтакорнинг жасорати, ғаллакорнинг шижоати, соҳибкорнинг маҳорати, чўпоннинг саховати, агрономнинг заковати, хуллас, эл дастурхонига ноз-неъматларни тўлдирувчи, юрт аҳлини кийинтирувчи замин заҳматкашларининг олижаноб ишамаллари унинг шоҳ сатрларида муносиб ифодасини топган эди.

Муболағасиз айтиш мумкинки, республикамизнинг қайси вилояти, қайси райони, қайси қишлоғида бўлмасин, у бормаган, кезмаган, пахта, ғалла даласи, боғ-роғлари, яйловлари йўқ эди. Қишлоқлардаги хўжаликларнинг каттадан-кичик аъзоларидан кўплари унинг яқин танишлари, қадрдон дўстлари эди. Биз ана шундай ажойиб киши — моҳирона тавсиф — тасвирларнинг ёзувчи асарларининг ўчмас саҳифаларида аён кўрамиз.

Далаларимизда экиш-тикиш бошланиб, ёз бўйи ҳосил учун тинимсиз кураш борадиган, ниҳоят юқори ҳосил йиғиб-териб олинадиган долзарб кунлардан кеч кузагу келаси йилга замин тайёрланадиган шудгорлашгача, қиш ичи катта-кичик тайёргарликларигача деҳқоннинг, чўпоннинг, механизаторнинг ёнида бўлар, унга меҳр сўзлари билан мадад берар эди. Саратон жазирамасида чопиқчи ўрнига қуёш тиғига яғринини тутиб беришга, ташналаб ғаллакорга булоқ суви узатишга, илк аёзда бармоқлари увишган теримчининг қўлларини нафаси билан иситишга, хуллас, том маъноси билан ҳамкор-ҳамдаст шу замондошларига самимий меҳр-муҳаббати чексиз эди.

Бошқа бир қайдларимда айтган сўзларимни такрорлаб бўлса-да, ҳозиржавоб, тиним билмас забардаст устоз адибимиз қишлоқ меҳнат аҳли билан йил — ўн икки ой мулоқотда бўлганидан гувоҳлик берувчи бир мисолни келтириб ўтмоқчиман.

1963 йил кузининг икки-уч ойидаёқ пахтакор деҳқонларимизнинг шарафли, жасоратли меҳнатларини улуғлаб бир неча публицистик мақола, терим долзарб нуқтасига етган ноябрнинг йигирмагина куни мобайнида республикамизнинг қарийб барча вилоятларида бўлиб, барча вилоятлар пахтакорларининг жасоратлар ҳақида «Қизил Ўзбекистон» газетасида очерклар эълон қилди.

Мана Ғафур Ғуломнинг 90 йиллик тўйи байрам қилинаётган тантанали кунларда унинг кўзлари мустақил республикамизнинг дала-қишлоқларига умидбахш нигоҳ билан тикилиб турибди:

**Яна ёли таралур улоқларда толиқмас,**
**Шер ўмров, темир туёқ чопқир қора байирнинг,**
**Яна қадри ошади онамиздай муқаддас,**
**Ҳар қаричи муборак дахлсиз, азиз ернинг.**

Ваҳоб РЎЗИМАТОВ.



Ўзбек халқининг оташин фарзанди, истеъдодли шоир Ғафур Ғулом дала меҳнаткашлари ҳузурида тез-тез бўлиб турарди. Ўлкамизнинг сўлим ва гўзал табиати, чексиз бепоёнлиги унга жўшқин илҳом бағишлар эди. Бободеҳқон меҳнатини улуғлаб ёзган асарлари уни шон-шуҳратга буркаб, элга танитди.

СУРАТДА: шоир Ғафур Ғулом пахта даласида.

Г. ПЕРМЕНОВ олган сурат.

## ҚУЛЛИЁТИ БЕДИЛ

**Юрагинг бўлса сен ҳам уни қон қилу бўл соҳиб нашъа. Май бўлишлик фақат узум донасига хос эмас.**

БЕДИЛ.

Ғафур Ғуломнинг уйида шоирлар, санъат аҳли, устознинг дўстлари тез-тез йиғилишиб, шеърият суҳбатлари — «нафис мажлислар» қурганлари ҳаммага маълум ва машҳур. Ушбу ҳикоячани менга Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазири муовини бўлиб ишлаётган Тўйчи Аҳмедов айтиб берган. У Олим Хўжаевдан эшитган экан.

Ғафур Ғуломнинг уйидаги зиёфатлардан бирида Олим Хўжаев ҳам бўлган экан. Суҳбат давомида Бедилнинг бир байти ўқилиб, бир неча меҳмон турлича шарҳлабдилар, бу байтни ўзи қандай тушунишини Олим ака ҳам айтибди. Ғафур Ғулом ва яна кўпчилик меҳмонларга шу шарх анча маъқул бўлибди. Эҳтироси кучли Ғафур Ғулом беҳад хурсанд бўлиб кетиб, Бедилнинг куллиётини олибди-да:

— Олим, шу китоб сенга совға, ўқиб юрасан. Бедилнинг энг қадимий куллиётларидан, — дебди ва унинг: «йўқ, Ғафур ака, китоб ўзингизга керак бўлади, қўйинг», дея илтижо қилишига қарамай, қўлига тутказибди.

Анча вақт ўтиб, меҳмонлар тарқалишаётган пайтда Ғафур Ғулом Олим Хўжаевни эшик олдида тўхтатиб:

— Шошма Олимжон, мана бу китобингни менга ҳадя қил. Сен ҳам бир тантилик билан менга бир совға берсанг берибсан-да, — дебди Олим аканинг қўлтиғидаги китобни кўрсатиб. Шунда Олим Хўжаев кулиб:

— Ғафур ака, бу китоб Бедилнинг энг қадимий қўлёзма куллиётларидан бири, мендан Сизга эсдалик бўлсин, — дебди.

Дўстлар қучоқлашиб хайрлашибдилар.

**Урфон ОТАЖОН.**

## УЙИМИЗ БИР ДУНЁ ЭДИ

Уйимиз — бир дарё эди, боғимиз сўлмас чаман, дастурхонимиз тўкин, давра гавжум, сўзлар шакару бол эди... Мен хонадонимиздаги самимийликни тиниқ чашмага қиёслайман, киши ундан шимиргани сайин чанқоғи қонмайди, яна ва яна ҳўплагиси келаверади...

Дадамлар билан мулоқотда бўлган одам, албатта, бошқача бир тасаввур ҳосил қилар эди. У зот гўдаклардек соф, содда, зукко, донишманд, ҳазилкаш, инсонпарвар бир киши эди. Буни ҳатто ёш бола ҳам бир-икки оғиз сўзлашгач, сезиб у кишидан ажрала олмай қолар эди. Дадамлар бировнинг орқасидан гапириб юрмас, ўйлаганини дангал сўзлагувчи киши бўлганлари учун ҳам барчага баробар, қадрдон дўст эдилар. Уйимизга келган бирор одам ранжиб, кўнгли тўлмай кетган эмас.

У киши таниқли ёзувчилар билан ҳам, эндигина ёзишни бошлаган қаламкашлар ва истеъдодли шогирдлари билан ҳам бирдек муносабатда бўлар эдилар. Дадамга тенгдош, суҳбатдош одамлар билан гаплашиб қолсангиз, албатта у кишининг аввал ўзингизга маълум бўлмаган бирор фазилатини билиб оласиз.

Дадам йирик ёзувчи, Садриддин Айнийни ўзларининг устозлари деб билганлар. Абулқосим Лоҳутий, Усмон Носир, Ҳусайн Шамс ва бошқалар билан дўст бўлганлигини эшитганмиз.

У кишининг Ҳабибий, Собир Абдулла, Ғайратий, Миртемир, Умаржон Исмоилов каби адиблар билан бўлган дўстона муносабатлари ҳам кўпчиликка аён. Дадам ўзбек совет адабиётининг улкан арбоблари — Ойбек, Ҳамид Олимжон, Яшин, Уйғун ва Мақсуд Шайхзодалар билан жуда қалин дўст эдилар. Дадам «Қадрдон дўстимнинг юбилейи», «Ойбек — ёзувчи ва олим», «Менинг ярим асрлик дўстим», «Абдураҳим Ғайратий деган ўртоғим тўғрисида», «Аброр Ҳидоятов» каби кўплаб мақолаларида бу алломалар истеъдодига катта баҳо бериш билан бирга шахсий муносабатлари ҳақида ҳам тўлқинланиб ёзадилар:

«Тошкентда Ҳадра деган жой бор. Ана шу ерни марказ деб билиб оёқлари ярим километрли паргор қўйиб бир доира чизсангиз, эски Қўрғонтеги, Қўғирмоч, Дегрез, Говкуш ва Девонбеги маҳаллаларини ўз ичига олган доира ҳосил бўлади. Шу маҳаллада Ойбек (Муса), Зиё Саид, Ойдин опа, Ғайратий (Абдураҳим), академик, фан доктори Асқаров, фан доктори Нажмиддинов, Аброр Ҳидоятов, мен ва бошқалар туғилганмиз...».

Эсимда, дадам бир неча марта ўша ёшлик йилларида бирга ўсган, бирга хизмат қилган дўстларидан ҳар бирининг ҳаёт йўлини, уларнинг озод меҳнат туфайли қандай муваффақиятларга эришганлигини эслаб бир асар ёзмоқчи эдилар. Афсуски насиб қилмади.

Аямнинг айтишларича, акам Улуғбек боғда туғилган эканлар. Ўша йили куз вақтли бошланиб дала ҳовли совиб кетиб, шаҳарга кўчишадиган бўлишганда Ойбек домланинг ўзи келиб, дадам билан аямни шаҳар ҳовлимизга кўчириб қўйган эканлар. Бу воқеани ҳали-ҳали эслаб куладилар.

Дадам Ойбек домла билан бирга республикамизнинг жуда кўп шаҳар ва қишлоқларига бир неча бор сафар қилганлар. Улар бирга юришни, узоқ йўлларда йўлдош бўлишни яхши кўришар, шунинг учун Ўрта Ер денгизи бўйлаб сафарга ҳам бирга боришган эди. Ойбек домла дадам билан доимо бел олишишиб кўришарди. Домла ҳушчақчақ, ҳазилкаш дўстини кўрганда хурсанд бўлиб кетарди. Дадам дарров аскияга ўтардилар. Шунда Ойбек домла:

— Вой Ғофур-ей, яхши-яхши, — деб икки қўлларини ёзиб роса кулар эди. Бундай самимий дўстона учрашувлардан, ҳазил-ҳузул гаплардан домланинг кўнгли кўтарилиб, бир неча кун кайфияти яхши бўлиб юрар эканлар. Зарифа опа шундай деб эслайди. Дадам Ойбек ижодига жуда юксак баҳо берардилар.

Ҳозирги мустақилликка эришганлигимизни кўрсалар, ахир бу кунларни дадам қандай орзиқиб кутганлар. Шеърларида озодлик, тенглик, биродарлик, истиқлолни куйлаганлар-ку. Агар шу кунларга етиб келганларида Президентимизнинг ёзувчилар билан бўлган учрашувидаги уларга айтган қимматли маслаҳатларига лаббай деб жавоб айтардилар. Бу шеърлар ватанга меҳр, ўзбеклик ғурури билан тўлиб-тошган бўлур эди.

Мақсуд Шайхзода дадам вафотларидан 100 кун кейин «Ғафурга хат» деган шеър ёзган эди. Ваҳоланки, бу шеърни фақат авлодлар ўқийди, холос. У киши дадамлар билан 1928 йилда Озарбайжондан Тошкентга келганларида танишиб, дўстлашиб қолишган.

Шайх амаки дадамни яхши тушунадиган, дилкаш, ҳамфикр, ҳазилкаш дўстларидан эдилар. Агар дадам Шайхзода амакимни бирор кун кўрмай қолсалар дарров аямга «Онаси, ўртоғингизга телефон қилинг, Шайхни кечқурунга овқатга олиб келсин, соғиндим», дер эдилар. Улар келишарди. Шайхзода амаким дадам билан ишхонада шахматми, картами ўйнашар, аям билан Сокина холам меҳмонхонада суҳбатлашиб ўтиришарди. Баъзан шеърхонлик бўларди.

Уйимиз бир дарё эди. Боғимиз сўлмас чаман, дастурхонимиз тўкин, давра гавжум, сўзлар шакару бол эди. Сизнинг бу ўқиганингиз — эсдаликлар, ҳурматли ўқувчилар, ана шу дарёнинг бир томчиси, холос...

**ОЛМОС**

## ГАВРИЗАНГАР ЧЎҚҚИСИДАЙ ВИҚОРЛИ

Шоир кўзи — халқнинг кўзи. Шоир сўзи — халқнинг ўзи. Мен урушни, Улуғ Ватан урушини урушдан анча кейин устоз Ғафур Ғуломнинг сўзда қолган кўзларида кўрганман:

**Зўр карвон йўлида етим бўтадек**
**Интизор кўзларда халқа-халқа ёш.**
**Энг кичик заррадан Юпитергача**
**Ўзинг мураббийсан, хабар бер, Қуёш.**

Бу фарёд — ўкирган арслоннинг наърасидек, бу фарёд қай шеърда бор?!

Карвон Хизр назар қилган шоир Шайх Саъдийнинг «Сорбон оҳиста меравед...» деб бошланадиган ғазалидаги карвонмас. Карвон — «Туркисиб йўлларида»ги «Устига бут ва тасбеҳ ортган карвонлар»мас. Карвон, халаскор карвон. Карвон фақатгина ўзбекистонликларнинг ўзидан бир миллион 200 мингдан ортиқ кишини жангоҳларга ташиган қизил эшелонлар. Йўл ҳам — «Туркисиб йўлларида»ги «кўп қадим йўллар»мас. Йўл — янги йўл, йўл — жонларга чийланиб ўқ ва қонга ийланган йўл.

Бу юртнинг шоири кўп, камёби — Ғафур Ғулом. У —27 ёшидаёқ «Иқтидорим гавризангар чўққисидай виқорли» дея олган. Не бахтки, бу иқтидор шарқнинг буюк шоирини то умрининг охиригача ҳам тарк этгани йўқ.

Бу юртнинг адиби кўп. Ноёби — Ғафур Ғулом. Устоз Ғафур Ғуломни унда камёб, бунда ноёб қила олган фазилат қуйма десангиз қуйма, туғма десангиз туғма, миллий идрокларию миллий тафаккурида. Уни ердан гавризангар чўққисига кўтарган «Ғунча очилгунча ўтган фурсатни, капалак умрига қиёс этгулик» қабилидаги бир қарасанг Навоий, бир қарсанг Бедилона, сўфиёна шеърлармасмиди?

«Нечоғлик тирик жон бўлса Ватанда» уруш унинг қисматига даҳлдор, Улуғ Ватан уруши бу! Уруш — юракларга чўккан тирик хотира. Уруш — сийнамизда қолган осколка. Ҳали-ҳали қалбимиз нозик сейсмик станция — зилзилалар тингани йўқ. Тинмайди ҳам. Уруш — кўзимизга синган ғариб манзара.

Ғалаба! «Нечоғлик тирик жон бўлса Ватанда». Бу сўз бирдай муштарак туйғу. Бирдай тааллуқли сўз. Бу сўз шаҳидларнинг кўксида ёнган ўқ аралаш бир армон.

Фахрлансак арзийди. 1945 йил 9 майда Берлиндан Москвага Ғалаба байроғи ва маълум имзо фашистлар Германияси таслим бўлганлиги ҳақидаги актни олиб келган самолёт экипажи таркибида бир ўзбек — Абдусамат Тойметов ҳам бор эди. Абдусамат Тойметов Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жасорати учун мукофотланган 120 минг ўзбекистонликнинг тимсолимасми? Улардан 282 нафарига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган.

Ўзбекларнинг миллий ғururига айланиб қолган бундай фактларни кўплаб келтириш мумкин.

**«Жаҳоннинг катталиги аниқ**
**ўлчагунча йўқ,**
**Ҳар ҳолда бир солдатнинг қалбидан**
**кичик бўлур».**

Демак, дунё ўзбекнинг юрагидан кичикроқ.

Буни Ғафур Ғулом айтган. Она Ўзбекистонини — «Қизларнинг қош узра қийғоч бўркисан» деб айтолган иқтидори гавризангар чўққисидай виқорли ўзбекларнинг мард ўзбек шоири айтган.

**Анвар ЭШОНОВ.**

«Қишлоқ ҳақиқати» газетаси жамоаси таҳририят ходими М. Ёқубовага онаси **Инобат АБДУРАҲМОНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради.

«Каршистрой» бирлашмасининг ичимлик сув таъминоти бошқармаси жамоаси шу бошқарма бошлиғи **Ботир АБРИЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Н. ЁҚУБОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ, (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, К. РИХСИЕВ, Э. ИБРОҲИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Узплодоовошчвинпром» концерни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Қишлоқ ҳақиқати» журналистлари жамоаси.

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32**

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосарлари —33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб—33-09-93, Масъул котиб ўринбосарлари—32-56-25. Деҳқончилик бўлими—32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими—32-56-31. Ижтимоий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими—32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-33. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 33-09-93. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Безатиш бўлими — 32-58-79.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000096. Буюртма Г—223. 31890. нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишган топширилди — 20.00 Босишган топширилди — 20.00

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6.